

София бинти Хуяй розияллоху анҳонинг фазллари (биринчи мақола)



16:05 / 16.10.2019 3447

София бинти Хуяй розияллоху анҳонинг оталари Хуяй ибн Ахтобнинг насаби Ҳорун алайҳиссаломга бориб тақалади.

У кишининг оналари Барра бинти Самуал ҳам Бани Назир яҳудийларининг катта оилаларидан эди.

София оиланинг эрка фарзанди бўлиб ўсди. Бу ҳақда ва у кишининг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳақларида биринчи эшитган нарсалари тўғрисида Ибн Исҳоқ «Сийрат» китобида София бинти Хуяй розияллоху анҳодан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Мен отамнинг энг маҳбуб боласи эдим. Амаким Абу Ясирга ҳам худди шундай эдим. Мен уларга бошқа болалари билан бирга йўлиқсам, албатта, бошқани қўйиб, мени олар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келиб, Қубодаги Амр ибн Авфникига тушганларида отам Хуяй ибн Ахтоб ва амаким у зотнинг олдиларига боришди. Улар қуёш ботганда қайтиб келишди. Икковлари жуда ҳам чарчаган, тарвузи қўлтиғидан тушган ҳолда зўрға келишди. Мен одатдагидек, эркаланиб, уларнинг қаршисига чиқдим. Аллоҳга қасамки, икковидан бири ҳам менга илтифот қилиб қўймади. Уларни ҳам босган эди. Мен амаким Абу Ясирнинг

отам Ҳуяй ибн Ахтобга:

«Бу ўшами ўзи?» деганини эшитдим.

«Ҳа, Аллоҳга қасам», деди у.

«Таниб, аниқладингми ўзи?» деди.

«Ҳа», деди у.

«Сенда у ҳақда нима бор?» деди.

«Адоват! Аллоҳга қасамки, модомики бор эканман!» деди у.

София бинти Ҳуяй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан адовати ана шу даражада қаттиқ бўлган оилада ўсдилар.

Уларнинг оиласи Хайбар деган жойда истиқомат қилар эди. София бинти Ҳуяй вояга етганларида Салом ибн Мишкам ал-Қаразий деган кишига турмушга чиққан эдилар. У билан ажрашганларидан кейин эса Кинона ибн Робийъга никоҳланган эдилар.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан